

Ўткир қалам керак...

***“Бугун журналистлар қаламни
тўғри ва ўткир қилиб
чархламоқлари лозим”
Усмонбек***

Ёш ва навқирон мустақил Ўзбекистонимиз бугун ҳар жабҳада ривожланиб, жаҳонда ўз ўрнига ва нуфузига эга бўлди. Бу айниқса, спорт соҳасида яққол кўзга ташланмоқда. Ҳа, тўғрида мамлакатимиз раҳбари муҳтарам И.Каримов томонларидан спортга берилаётган эътибор ва ғамхўрликлар натижасида серкуёш заминимиз фарзандлари ўз қобилияти ва салоҳиятларини намоиш этиб, миллатимизнинг ғурури ва шаънини ҳимоя қилиб давлатимиз байроғини жаҳон ареналари бўйлаб баланд ҳилпиратмоқда.

Ватанимизда барпо этилган янги замонавий спорт иншоотларининг қурилиши ва яратилган қулай имкониятлар самарасида ўзбек спортчилари жаҳон ва қитъа чемпионатларида, олимпия ўйинларида ва жамийки халқаро мусобақаларда мунтазам равишда қатнашиб, шоҳсупанинг юқори ўринларидан жой олишмоқда. Спортчиларимизнинг ана шундай ютуқларини, фаолиятини ва ҳаётини оммага кенг ёритадиган журналистлар ҳам бугун қаламни тўғри ўткир қилиб чархламоқлари лозим. Зеро, халқимиз ҳаётида оммавий спортни йўлга қўйиш, профессионал спорт турлари билан шуғулланувчи юксак маҳоратли спортчиларни етиштириш ҳар қандай халқ учун ҳам ҳаёий зарурият, ҳамда тенгсиз шон-шараф тимсоли эканлигини ҳисобга олиб, барча спорт турларини мукаммал биладиган етук спорт журналистлари зарур эканлигига амин бўлмоқдамиз.

Ҳозирда футбол ва боксдан ташқари бошқа спорт турларига доир мусобақалардан малакали савияда репортажлар берувчи, қизиқарли шарҳлар ёзувчи журналистларимиз ниҳоятда озлиги барчамизга аён. Шу боисдан ҳам бугун халқимизнинг фахр-ғурури учун қуйиб-ёниб, ўз қобилиятини кўрсатадиган ёш журналист кадрлар керак бўлмоқда.

Шунингдек, асосий муаммолардан бири, танқидий мавзудаги материалларни ёритилмаётгани ҳисобланади. Танқид барибир ўз мевасини беради. Абрамов миллий терма жамоамизга бош мураббий этиб тайинланганидан сўнг, эҳ—ҳе, ким

қанча танқид тошлари отилмади демайсиз. Натижада бу ўз самарасини кўрсатганди. Демакки, ана шунга ўхшаган танқидий мақолаларни кўпайтириш фойдадан холи эмас.

Аудитория тушунадиган тилда ёзиш, гапириш, хуллас, спорт журналистикасининг равнақ топиб гуллаб-яшнаши учун аввало спорт терминларини соф ўзбекчалаштириш, спортча луғатлар ташкил этиш ва шу соҳага оид илмий ва амалий китоблар ёзиш муҳим омиллардан саналади. Ва шу билан бирга ушбу мутахассислик эгалари умуман спортни халқимиз орасида кенг оммалаштириш, хусусан, ўзбек спорти муваффақиятларини дунёга танитиш, шунингдек жаҳон спорт янгиликларини халқимиз орасида профессионал даражада оммалаштириш билан кенг шуғулланишлари лозим. Кўриниб турибдики, спорт журналистикасининг ривожланиши ва малакали ёш журналист кадрларнинг кўпайиши натижасида ўзбек спортчиларининг шон-шуҳрати мамлакатимиз миқёсида ва шунингдек жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига хизмат қилади. Ахир спорт юрт байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтармоқда. Шундай экан, бу йўлда спортчилар билан биргаликда спорт журналистлари ҳам ўз салоҳиятларини кўрсатишлари лозим.

Усмон АБДУРАСУЛОВ

журналист